

2017 йил 28 июль

Наманган ш.

“Агролизинг” акциядорлик жамияти Устави, Филиал тўғрисидаги Низом ва Жамият томонидан 2016 йил 26 февралда берилган 15 -сонли Ишончномага мувофиқ, Жамиятнинг Наманган вилояти филиалининг матида “ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ” деб юритилади) номидан Филиал директори С.Мухаммадиев ва ўз Устави асосида иш юритувчи Наманган Давлат ўрмон хўжалиги (кейинги матида “ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ” деб юритилади) номидан ваколатли Хўжалик раҳбари А.Муллабоев, иккинчи шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МОҲИЯТИ

ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ “БЕЛАРУС-1523” русумли 1 (бир) дон Тракторни ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг асосида “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ (кейинги матида “СОТУВЧИ” деб юритилади) дан ўз (ёки кредит) маблағи ҳисобига ўз мулки этиб сотиб олади ва ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга беради. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ эса ушбу шартнома шартлари асосида Трактордан фойдаланиш, эгаллик ва лизинг тўловларини шартномада белгиланган муддатларда тўлаш, лизинг тўловлари тўлик бўлишига қадар кейин Тракторга мулк ҳуқуқини ўзига қабул қилиш мажбуриятини олади.

2. ТРАКТОРНИ ЛИЗИНГГА РАСМИЙЛАШТИРИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Мазкур шартнома бўйича ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг Тракторни лизингга расмийлаштириб бериш шартлари ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан:
 - 2.1.1. Трактор нархининг камида 25 фоизлик қисми аванс сифатида тўлиқ тўланганидан сўнг;
 - 2.1.2. Тракторни лизингга тўлиқ муддатига суғурталаб, суғурта полиси ва; лизинг тўловлари тўланиши таъминоти сифатида учинчи шахс кафиллиги тақдим этилганидан кейин берилади.
 - 2.1.3. Трактор ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан аванс тўлиқ тўланганидан 90 кун ўтганидан сўнг ҳамда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг маҳсулот ишлаб чиқариш графигидан келиб чиққан ҳолда 2017 йилнинг 31 декабрь кунига лизингга расмийлаштириб берилади.
 - 2.1.4. Трактор ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан ва унинг ўз маблағи ҳисобидан ўз манзилига олиб берилади.
 - 2.1.5. Трактор бутлигига куйидагилар киради:
 - Трактор ва Техник хизмат кўрсатиш учун асбоб ва мосламалар тўплами 2-иловага мувофиқ;
 - 2.1.6. Тракторнинг сифати СОТУВЧИ томонидан тасдиқланган “Техник шартлар” талабига жавоб берувчи шарт. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ Тракторнинг сифати ва бутлигини уни қабул қилиб олаётганида текшириб олиш ҳолда СОТУВЧИ, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ ва ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ўртасида уч томонлама “Тракторни лизингга қабул қилиб олиш далолатномаси” расмийлаштирилади.
 - 2.1.7. Тракторни суғурталаш, ишга тушириш, соз ҳолатда сақлаш, техник сервис хизматини кўрсатиш ва лизинг хамда лизинг муддати даврида Тракторга етказилган ҳар қандай зарар билан боғлиқ бўлган барча зарарларни ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ ўз ҳисобидан амалга оширади.
 - 2.1.8. Техникани “Давтехназорат” инспекциясидан ўз номига рўйхатдан ўтказиб ягона рақам белгисини олиш, техник кўрикдан ўтказиш, техник паспорт олиш ва белгиланган йиғимларни тўлаш ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан амалга оширилади.

3. ШАРТНОМА УМУМИЙ ПУЛ СУММАСИ, ЛИЗИНГ СУММАСИ, ЛИЗИНГ ДАРОМАДИ МИҚДОРИ ВА ЛИЗИНГ МУДДАТИ

- 3.1. Трактор 1 (бир) донаси нархи, СОТУВЧИ томонидан белгиланган бўлиб 205 000 000 (Икки юз тўқсон миллион) сўмга тенг.
- 3.2. Шартноманинг лизинг суммаси Трактор нархи ва ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг лизингга тўлиқ муддатига ҳисобланган лизинг фоизи йиғиндисидан иборат бўлиб, ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-илова (бундан кейинги матида “тўлов графиги” ёки “график” деб юритилади)да белгиланади. Шартноманинг 1-иловаси Трактор лизинг олувчига ўрнатилган тартибда топширилган сана белгиланган тарафлар ўртасида расмийлаштирилади.
- 3.3. Лизинг муддати даврида Лизинг берувчининг даромад фоизи (бундан кейин – “лизинг фоизи” деб юритилади) йиллик 20 фоиз миқдоридан белгиланади.
- 3.4. Лизинг муддати Трактор ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга “Топшириш-қабул қилиш далолатномаси” асосида белгиланган кундан бошлаб 5 (беш) йил муддатга тенг деб белгиланади.

4. АВАНС ва ЛИЗИНГ ТЎЛОВИНИ ТЎЛАШ ШАРТЛАРИ

- 4.1. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ, Тракторнинг ушбу шартномани 3.1-бандида кўрсатилган нархидан камида 25 фоизини аванс шаклида, тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқилганлиги ҳамда лизинг лойиҳаларини тасдиқлашдан ўтказилганлиги учун Техника нархини 1,0 фоизи миқдоридан комиссия тўловини ушбу шартнома

Мазкур шартнома ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг айби билан муддатидан олдин бекор қилинган тўловларни қайтариб беради.

4.2. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) кунлик муддатда Трактор ЛОУВЧИга қайтарилмайди.

4.3. Ушбу шартномага мувофиқ Трактор ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга расмийлаштириб берилиши муддатидан олдин мобайнида СОТУВЧИ томонидан Тракторнинг русуми, нархи ёки Лизинг берувчи томонидан лизинг фойдаланиши ўзгартирилса, Тарафлар бу тўғрида шартномага тегишлича “Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ни имзолайдилар. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ техника русуми ва нархи ўзгариши натижасида тўловларнинг етишмаган қисмини “Келишув”да белгиланган муддатларда тўлаб беради.

4.4. Ушбу шартноманинг 4.1 ва 4.2-бандларида белгиланган шартларни ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан ўз вақтида бажарилмаслиги оқибатида шартномада белгиланган русумдаги Трактор, уни ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга топшириш муддати ичида СОТУВЧИда қолмаган бўлса, у ҳолда Томонлар Тракторнинг русуми ёки етказиб бериш муддатини ўзгартириш бўйича шартномага ўзгартириш киритиш тўғрисида ўз келишиб оладилар.

4.5. Лизинг тўловлари ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланган 1-иловада кўрсатилган тўлов графиги асосида аннуитет усулида ҳисобланади ва Трактор ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга топширилган ойнанинг 1-санасидан бошлаб ҳар 3 (уч) ойлик давр учун, ана шу ҳар 3 ойлик даврнинг охиригача (29-31 санасида – охириги банк иш кунини қайси санага тўғри келишига қараб) бўлган муддатда тўлаб берилди.

4.6. Лизинг тўловлари ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг ўз хоҳишига кўра шартномада кўрсатилган муддатлардан аввал ҳам тўланиши мумкин. Лизинг тўловларининг олдиндан тўланиши, шартномадаги умумий лизинг суммаси миқдорининг камайишига олиб келмайди.

4.7. Лизинг тўлови учун келиб тушган суммадан биринчи навбатда ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг мазкур шартнома бўйича қилган харажати, кейин эса лизинг тўловидан бўлган қарздорлик, қарздорликни графиги нисбатан тўлов муддати ўтган даврига ҳисобланган пеня суммаси қопланади.

5. ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ТАЪМИНЛАШ

Лизинг тўловларининг лизинг шартномасида белгиланган муддат ва миқдорларда қайтарилиши ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан тақдим этилган учинчи шахснинг кафиллиги кўринишидаги Кафиллик шартномаси ёки гаров таъминоти асосида асосида таъминланади. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ лизинг тўловларини шартномада белгиланган муддат ва миқдорларда тўламаган тақдирда ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ қонун ҳужжатлари ва лизинг шартномаси ҳамда Кафиллик (ёки Гаров) шартномасида берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб лизинг тўловларини, тўлов кечиктирилган давр учун кечиктирилган қарздорлик суммасига ҳисобланган пеняни, шу харажатлари ҳамда бошқа етказилган зарарлар суммасини ундиради.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Мазкур шартномадан бошқача тартиб келиб чиқмаса, Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

6.2. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ қўйидаги ҳуқуқларга эга:

6.2.1. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИдан шартнома шартларини лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

6.2.2. Техника ушбу шартномада келишилган муддатда етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган бўлса етказиб берилмаган Техникадан воз кечиш ва лизинг шартномасининг бекор қилинишини талаб этиш.

6.2.3. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ва СОТУВЧИ ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаш ва ҳоказолар хусусида СОТУВЧИга талаблар қўйиш.

6.2.4. Лизинг шартномаси ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг айби билан муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, лизинг тўловларини тўлаш жадвалида (1-иловада) белгиланганидан ортиқча тўлов ўтказилган бўлса, ортиқча тўланган тўловларни қайтариб беришни талаб этиш.

6.2.5. Лизинг муддати мобайнида Техникадан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш.

6.2.6. Ушбу шартноманинг 11.1-банди шартлари тўлиқ бажарилганидан сўнг, Техникани мулк сифатида қабул қилиб олиш.

6.3. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг мажбуриятлари:

6.3.1. Техникани ва СОТУВЧИни танлаш, Техникани қабул қилиб олиш, СОТУВЧИнинг манзилидан ўз манзилига ўзининг ҳисобидан ташиб олиб кетиш.

6.3.2. Банкдаги ўз ҳисоб рақамлари, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва юридик манзили ўзгарганлиги тўғрисида ЛИЗИНГ БЕРУВЧИни расман дарҳол хабардор қилиш.

6.3.3. Техникани “Давтехназорат” инспекциясидан 10 (ўн) кун ичида рўйхатдан ўтказиб ягона рақам белгисини олиш, техник кўриқдан ўтказиш ва техник паспорт учун белгиланган йиғимларни тўлаш.

6.3.4. Техникага ўз вақтида сервис хизмати кўрсатилишини ташкил этиш.

3.5. Ҳар чоракда бир марта ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг манзилига келган ҳолда ўтган давр учун ўзаро бухгалтерия солиштириш далолатномасини тузиш.

3.6. Техникадан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги, техник носозлиги, ишлатишни самарасизлиги, об-ҳавонинг ноқулай келиши ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар юзага келишидан назар лизинг тўловларини ва ушбу шартнома бўйича ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ томонидан қилинган шартларни ушбу шартномада белгиланган муддат ва миқдорларда тўлаб бериш.

3.7. Техникадан Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда, унинг техник паспортида белгиланган ўз вазифаси ва техник имкониятлари даражасида техник шартларга мувофиқ фойдаланиш ҳамда шартларни ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ шахсларга бошқаришга бермаслик, **соз (янги) детал ва қисмларни носоз (эскиси)га алмаштирмаслик.**

3.8. Техникага унинг техник паспортида кўрсатилган муддатларда техник хизматлар кўрсатиш, таъмирлаш, соз ҳолда сақлаш ва ҳар чоракда бир марта ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг манзилига келган ҳолда ҳар учун ўзаро бухгалтерия солиштириш далолатномасини тузиш.

3.9. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ва СОТУВЧИни ёзма рухсатсиз Техника конструкциясига ўзгартиришлар қилинмаслик ва мазкур Техника учун мўлжалланмаган ускуна ёки жиҳозларни ўрнатмаслик.

3.10. Техникани сотмаслик, гаровга қўймаслик, учинчи шахсларга бермаслик, қаровсиз қолдирмаслик ва нисбатан бошқа ноқонуний ҳаракатларни амалга оширмаслик.

3.11. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ бир турдаги хўжалик шаклидан бошқа турдаги хўжалик шаклига ўзгартирилса ёхуд ер ижара шартномаси бекор қилинса ёки бутунлай тугатилса ёки Техника фойдаланишга қўйилган ҳолга келтирилса, у ҳолда шартномадаги қолдиқ лизинг суммасини тўлиқ тўлаш орқали Техникани қайтариб олиш ёки қилиб олиш ёки шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни (ворис ёки) учинчи шахс зиммасига ўтказиш.

3.12. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ вакиллари Техникани техник мониторингдан ўтказишига қаршилик қилинмаслик.

3.13. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг ўз мажбуриятини бажармаганлиги (ёки лозим даражада бажармаганлиги) натижасида ушбу шартнома бекор қилинган тақдирда, Техникани соз ва бут ҳолатда қайтариш-қабул қилиш далолатномаси” орқали ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ талаб қилиши билан дарҳол қайтариш.

3.14. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ қонун ҳужжатлари ва ушбу шартномада белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

6.4. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.4.1. Агар, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан лизинг тўловлари тўланиши ушбу шартноманинг шартларида белгиланган миқдор ва муддатларда кўрсатилганидан кечиктирилса, тўланмаса ёки тўлиқ тўланмаса:

ЎзР ВМнинг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарорига асосан АТБ “Агробанк”нинг ҳудудий филиали билан шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда кўрсатилганидан кечиктирилса, тўланмаса ёки тўлиқ тўланмаса орқали ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг банкдаги ҳисоб-китоб рақамига акцептсиз шаклдаги тўлов тўловларини қўйиш орқали қарздорликни ундириш;

“Техникадан фойдаланишни вақтинчалик тақиқлаш далолатномаси”ни тузиб, Техникадан фойдаланишни қарзлар тўлангунига қадар бўлган муддатга тақиқлаш;

Кафиллик шартномаси асосида Кафилдан лизинг тўловлари бўйича ҳосил бўлган қарзлар ва ўз вақтида бажармаган тўловлар учун ҳисобланган пеняни ундириш;

Шартномани бир томонлама бекор қилиш ва Техникани ўрнатилган тартибда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИдан қайтариб олиш.

6.4.2. Техника йўқотилса, фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келтирилса, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИдан қайтариб берилмаган барча лизинг тўловларини муддатидан олдин тўлашини талаб этиш.

6.4.3. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ ушбу шартноманинг 4.1 ва 4.2-бандларида келишилган шартларни бажармаган муддатларда бажармаса, учинчи шахс кафиллиги кўринишидаги таъминот тақдим этмаса ёки 4.3 ва 4.4-бандларда баён этилган ҳолат бўйича Томонлар мазкур шартномага ўзгартириш киритиш масаласида келишувга эриша олмасалар, у ҳолда шартнома шартларини бажариш мажбуриятидан бир тарафлама бекор қилиш ва қайтариб олиш.

6.4.4. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан Техникадан белгиланган мақсадларга мувофиқ фойдаланаётганлиги ва ўз вақтида техник хизматлар кўрсатганлигини лизинг муддатининг исталган даврида қайтариб олиш.

6.4.5. Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, лизинг тўловларидан бўлган қарздорликни шу жумладан Техникага етказилган зарар, пеня ва бошқа тўловларни лизинг олувчи томонидан қайтариб берилган аванс ҳисобидан ушлаб қолиш.

6.4.6. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ қонун ҳужжатларида ва ушбу шартномада белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

6.5. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг мажбуриятлари:

6.5.1 Техникани сотиб олиш ва ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга ушбу шартномада белгиланган муддатларда қайтариб олиш.

6.5.2. Техникани лизингга берилиши тўғрисида СОТУВЧИга маълум қилиш.

6.5.3. Техниканинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаш ва ҳоказолар ҳисобида СОТУВЧИга талаблар қўйишда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга ёрдам бериш.

7. ТРАКТОРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

- 7.1. Етказиб берилган Трактор ўзининг сифати бўйича Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларига мувофиқ бўлиши керак.
- 7.2. СОТУВЧИ Тракторнинг сифатини фойдаланишга киритилган кундан бошлаб 12 ой ёки 1000 мотомотида кафолатлайди (ёқилги тизими кафолатга тушмайди).
- 7.3. Тракторда носозликлар аниқланганда Лизинг олувчи бу ҳақда СОТУВЧИга ёзма равишда маълумот бериши шарт.
- 7.4. СОТУВЧИ Лизинг олувчидан мурожаат хати келиб тушганидан сўнг 5 кунлик муддат ичида Рекламация далолатномасини тузиш учун ўзининг ходимини юборади, агар бу носозликлар кафолат таъмирлаш даврида юз берган бўлса.
- 7.5. Рекламация далолатномаси Лизинг олувчи ва СОТУВЧИ вакиллари иштирокида тузилади.
- 7.6. СОТУВЧИ Тракторда юз берган ҳар қандай носозликларни Лизинг олувчидан ёзма мурожаат хатидан бошлаб 10 иш куни мобайнида ёки Рекламация далолатномаси тузилган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида бартараф қилишни кафолатлайди.
- 7.7. Лизинг олувчига етказиб берилган Трактор учун фойдаланишнинг кафолатли даври тугаганидан сўнг, ҳар қандай техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар, техник ёрдам кўрсатиш СОТУВЧИ ва Лизинг олувчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ бажарилади.
- 7.8. Агар техник хизматлар СОТУВЧИ томонидан ёки у рухсат берган юридик шахс томонидан бажарилмаган ёки бошқа эҳтиёт қисмлар ишлатилган тақдирда, кафолатли таъмирлаш амалга оширилмайди.
- 7.9. Кафолат татбиқ этилмайди, агар:
- 7.9.1. Трактордан фойдаланишда белгиланган мақсадга мувофиқ қондаларга (фойдаланиш бўйича йўриқнома, қаров қондалари, сервис хизмати, мойлаш муддатлари ёки махсус йўриқномалар) риоя этилмаганлиги ва унга хизмат кўрсатилмаган бўлса ва агар, нотўғри монтаж оқибатлари, рухсат этилмаган ўзгартиришлар қилинганлиги ёки авария натижасида ёхуд химиявий таъсирлар СОТУВЧИнинг айби билан содир бўлмаганлиги тақдирда;
- 7.9.2. таъмир ва ўзгаришлар СОТУВЧИ томонидан ваколат берилмаган ташкилотлар томонидан амалга оширилган ва агар ишлаб чиқарувчи заводнинг оригинал эҳтиёт қисмлари қўлланилмаган ёки белгиланган таъмирлаш материаллари ишлатилмаган бўлса;
- 7.9.3. Завод рақамлари алмаштирилган ёки таниб бўлмас даражада ўзгартирилган ва агар Тракторнинг қилинганлиги даражада ўқитилган учинчи шахс томонидан фойдаланилганда.
- 7.9.4. Тез едирилувчи қисмларнинг табиий эксиришига кафолат татбиқ этилмайди.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 8.1. Томонларнинг жавобгарлиги, мазкур шартномадан бошқача тартиб келиб чиқмаса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан белгиланади.
- 8.2. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан ушбу шартномада белгиланган муддатда етказиб берилган (ёки етказиб берилиши кутилаётган) Техникани олиш асосан равишда рад этилганлиги ёки лизинг шартномасининг айби билан Техника етказиб берилганига қадар бекор қилинганлиги тақдирда, у ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга Техника қийматининг 1 (бир) фоизи миқдоридан жарима тўлайди (Шарт-ҳуқуқ базаси Қонуни, 31-модда). Жарима суммаси ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг Техника учун тўлаган аванс маблағларидан ушлаб қолинади.
- 8.3. Лизинг тўлови ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдор ва муддатларда амалга оширилмаса, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳудудда пеня тўлайди.
- 8.4. Агар ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ томонидан унинг айби билан ушбу шартноманинг 2.1-бандида белгиланган муддат ичида Техника етказиб берилмаса, у ҳолда ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, агар бунда пеня суммаси етказиб берилмаган Техника нархининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
- 8.5. Ушбу шартнома муддатидан олдин бекор қилингандан сўнг, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан Техника ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган "Далолатнома" асосида 10 (ун) кунлик муддат мобайнида топширилмаса, у ҳолда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ техникани амалда қайтарган кунгача бекор қилинган давр учун лизинг шартномасининг тўлов графигида белгиланган тўловларни тўлаш билан биргаликда, Техника нархининг 1 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 8.6. Ушбу Шартномани амал қилиш муддати мобайнида СОТУВЧИ томонидан лизинг объектининг ҳимоятсизлиги шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаслик хавфи ва бу билан боғлиқ зарарлар, Техника ва боғлиқ бўлган барча хавфлар ва учинчи шахслар мол-мулкига етказилган зарар ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг зиммасига ўтади.
- 8.7. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ Техникани ўз вақтида лизингга расмийлаштириб бермаганлиги учун қуйидаги шартларда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ олдида жавобгар ҳисобланмайди ва ушбу шартноманинг 8.4-бандида белгиланган пеняни тўлашдан озод этилади:
- ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ шартномада белгиланган муддатларда аванс суммасини тўлиқ тўламаган ёки таъмир таъминоти полисини, кафиллик (гаров) шартномасини тақдим этмаган бўлса;

Техника ИШЛА
бажарилмаган ва СОТ
Шартноманинг
Ўшимчалар киритиш
8.8. ЛИЗИНГ Б
таъмирлаш даврида б
хизматини кўрсатиш,
8.9. Лизингга с
ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ ў
тортилади.
8.10. ЛИЗИН
бажарилмаганлиги ёк
носоз (яъни, шикастл
қайтариб олса, у хо
тўлайди (ФК 570, 32
бўлади. Зарар сумм
таъмирлаш билан боғ
Зарар суммаси
ундирилади.

Томонлар таби
органларининг хужж
тегишли тарзда баж
бажаришдан қисман ё

10.1. Томонлар
келишувга асосан ҳал
10.2. Томонлар
шартнома мажбурият
божи, почта) харажат

11.1. Шартном
1-иловасида кўрсати
давр учун тан олинган
ундириш бўйича Суд
санагача амалда бўла
11.2. Шартном
фойдаланилган давр
пеняга тегишли бўлма
ва улар ЛИЗИНГ ОЛ

12.1. Ушбу ша
тартибда расмийлаш
шартлари бундан му
12.2. ЛИЗИНГ
мажбуриятини бажар
тақдирда, қуйидаги
шартларини бажариш
бекор қилиш ҳуқуқи
ЛИЗИНГ ОЛ
тўловини тўлиқ тўл
этмаса;

ушбу шартном
ўзгартириш киритиш
лизинг тўлов
муддат мобайнида тў

12.3. Лизинг
ОЛУВЧИдан қайта

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ томонидан олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда ишлаб ва СОГУВЧИ орқали ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга етказиб берилмаган бўлса (ФК-598 модда). Шартноманинг 4.3 - 4.4-бандларида белгиланган тартибда шартномага тегишлича "Ўзгартириш ва киритиш тўғрисида келишув"ни ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ имзолашдан бош тортган тақдирда. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг олдида Техниканинг сифати, бутлиги, кафолатли даврида бузилган тақдирда ўз вақтида тузатилмаслиги, бузилиб ишдан чиқиши, техник сервис кўрсатиш, таъмирланиши ва бошқалар юзасидан жавобгар бўлмайди (ФК-598 модда). Шартноманинг олинган Техниканинг бузилиб, таъмирланмасдан ташлаб қўйилганлиги айбдор бўлган ОЛУВЧИ Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка

ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан ушбу шартноманинг 6.3-бандидаги мажбуриятлар қилиниши ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ундан Техникани олиб чиқарилган, таркибий қисмлари ва деталлари ишдан чиққан, бузилган, йўқотилган) ҳолда у ҳолда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ мулкига етказилган зарар суммасини (ФК 570, 324-модда) ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар зарар суммасига ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг Техникани қайтариш, транспортда ташиш, сақлаш, тўлиқ қилиш билан боғлиқ ва бошқа харажатлари ҳам қиради. Шартноманинг суммаси ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг ўз ихтиёри асосида тўланмаган тақдирда, Суд орқали

9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

Шартнома табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, томонлар учун мажбурий кучга эга бўлган Ҳукумат қарорлари ва шартноманинг ҳужжатлари чиқарилган ҳолатлар натижасида шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки шартномада бажара олмаган бўлсалар, форс-мажор ҳолати тугагунигача бўлган муддатларга уни қисман ёки тўлиқ озод этилади.

10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

10.1. Томонлар шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни имконият даражасида ўзаро асосан ҳал қилиш чора тадбирларини кўрадилар.

10.2. Томонлар ўртасида ўз ечимини топмаган низолар Хўжалик судида кўриб чиқилади. Бунда, мажбуриятларини бажармаслик натижасида "Жавобгар" бўлган томон зиммасига Суд (давлат қўқон) харажатларини тўлаш мажбурияти юкланади.

11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

11.1. Шартнома, уни икки томон имзолаган кундан бошлаб кучга қиради ва ушбу шартноманинг қўрсатилган лизинг тўловлари ва кечиктирилган лизинг тўловлари суммасига тўлов кечиккан ҳолда тан олинган пеняни, лизинг объектига етказилган зарар суммаси (агар, шундай зарар суммасини бўйича Суд қарори мавжуд бўлса) ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаб берилган амалда бўлади.

11.2. Шартноманинг амал қилиши муддатдан олдин тўхтатилганида, бундай ҳолат лизинг объектдан олиб чиқилган давр учун тўланган лизинг тўловлари ва тўлов кечиктирилган сумма учун тан олинган зарар тегишли бўлмайди (Графикда белгиланганидан ортиқча тўланган лизинг тўловлари бундан мустасно) ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга қайтарилмайди.

12. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ва ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бекор қилиш Томонларнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган "Келишув"ни асосида амалга оширилади, ушбу шартноманинг 12.2-банди билан бундан мустаснодир.

12.2. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИни ёзма равишда расмий огоҳлантиргани ҳолда унга ўз мажбуриятини бажариши учун 15 (ўн беш) кунлик муддат берганидан кейин ҳам мажбурият бажарилмаган ҳолда, куйидаги ҳолатларда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИни ёзма равишда хабардор қилиб ушбу шартнома қилиниши бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва ушбу шартномани муддатидан олдин бир тарафлама қилиш ҳуқуқига эга (ФК 336-модда, 382-моддаси 4-қисми):

ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ ушбу шартноманинг 4.1 ва 4.2-бандларида келишилган муддатларда аванс қилиниши тўлиқ тўламаса ва суғурта полисини, кафиллик шартномасини ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга тақдим

ушбу шартноманинг 4.3 ва 4.4-бандларда баён этилган ҳолатлар бўйича Томонлар мазкур шартномага киритиш масаласида ўзаро келишувга эриша олмасалар; лизинг тўловлари ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан шартномада белгиланган икки мартадан ортиқ мобайнида тўланмаган тақдирда.

12.3. Лизинг шартномаси бекор қилинганида ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ Тракторни ЛИЗИНГ ОЛУВЧИдан қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

13. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Ушбу шартноманинг 11.1-банди шартлари тўлиқ бажарилганидан сўнг Томонлар ўртасида ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” расмийлаштирилади.

13.2. Лизинг тўловлари ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан шартномада белгиланган икки мартадан ора муддат мобайнида тўланмаса, Трактор лизинг олувчи ҳисобидан жорий таъмирланмаса, ундан фойдаланиш ва сақлаш бўйича ушбу шартноманинг 6.3 ва 7.9.1 – 7.9.3-бандлари шартлари бузилган бўлса, бу ҳолда шартнома шартларини жиддий бузиш ҳисобланади (ФКнинг 382-моддаси).

13.3. Лизинг муддати мобайнида ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг расмий розилигисиз Техникани ҳолатини яхшилаш учун унга ўрнатилган ҳар қандай узел-деталлари ёки бошқа таркибий қисмлари ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг мулки деб ҳисобланади ҳамда Техника қайтариб олинганда ушбу ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга қайтарилмайди ва қиймати тўланмайди (ФК 555-модда).

13.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган учта нусхада тузилиб, биринчи ва иккинчи нусхалари- ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга, учинчи нусхаси- ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга берилади.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти Наманган вилоят филиали	ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ Наманган давлат ўрмон хўжалиги
Наманган ш. Бобур шох кўчаси. АТБ “Агробанк” Тошкент шаҳар Бош амалиётлар бошқармаси Асосий х/р 2021 0000 9040 2125 1001 Транш х/р - 2321 0000 2040 2125 1333 Транш х/р – 2322 0000 9040 2125 1333 МФО-00394, СТИР 203 071 206, ОКЭД 64910	Манзил: Наманган шаҳар, Махмуд Таробий кўчаси, 21а-уй ХКМ МБ Тошкент филиали х/р: 4001108601440017950100142001 МФО 00014 СТИР 200 048 875 ОКЭД 31100
Филиал директори С.Мухаммадиев Имзо М.У.	Хўжалик раҳбари А.Муллабоев Имзо М.У.

Лизинг шартномаси лойиҳасига юридик ХУЛОСА

Ушбу лизинг шартномаси лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида назарда тутилган талабларга тўлиқ жавоб беради.

Шартномада тарафлар шартномавий муносабатларининг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 587-599 моддалари, Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунларининг амалдаги меъёрлари билан тартиб солиниши назарда тутилган.

Тарафларининг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиблари шартномада кўрсатилган ва у амалда қонунчилик талабларига жавоб беради.

Филиал юрисконсульти



Б.Мамажанов

201__ йил _____ да тузилган
 УФ -сонли лизинг шартномасига
 2-ИЛОВА

Текторга техник хизмат кўрсатиш учун асбоб ва мосламалар ҳамда кўшимча
 бериладиган эҳтиёт қисмлар тўплами

Номи	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Сони
ЗИП		дона	1
ЗИПга тегишли бўлган асбоб ва мосламаларнинг номи			
Тираж дискени маҳкамлаш гайкаси	40-3103017	дона	2
	36-3104019	дона.	2
С=8	1522-390100	дона.	1
С=41x46	703901038	дона.	1
С=27x32	70-390127	дона.	1
Тел учун ЗИП	260-00001003И	дона.	1
Мономер МД-214ГОСТ 9921-81		дона.	1
Мономер МД-209 ГОСТ 9921-81)	3900.0007		
Стовик	2022-4202016	дона.	1
Стовик	2022-4202017-02	дона.	1
Тектордан фойдаланиш бўйича			
Танма	1523-0000010РЭ	дона.	1
Сис китобчаси		дона	1

ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ

 М.Ў.


ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ

 М.Ў.


28.07.2017 йилда тузилган № 17/07-4-155 УФ -сонли лизинг шартномасига
 Наманган шаҳар НАМАНГАН ДАВЛАТ УРМОН ХУЖАЛИГИ бўйича
 лизинг тўловларининг ҳисоби ва тўлов графиги
 Трактор BELARUS-1523

Лизинг нархи, минг сўм	280 000,000
Ставкаси (маржаси)нинг йиллик фоизи	22 %
Лизинг муддати	60 ой
Лизинг тўлов (аванс) фоизи	25 %
Лизинг тўлов (аванс) миқдори, минг сўм	70 000,000
Лизинг шартноманинг лизинг суммаси, минг сўм	72810.000
Лизингга берилган сана	421 453,186 01.11.2017

(минг сўм)

Техниканинг қолдиқ қиймати	Лизинг тўлови тўлашнинг охириги санаси	Техниканинг ҳар 3 ойлик лизинг даврига тўғри келадиган қиймати қисми	Ҳар 3 ойлик давр учун ҳисобланган лизинг фоизи суммаси миқдори	Ҳар 3 ойда тўланадиган лизинг тўлови миқдори
1	2	4	5	6
210 000,000	31.01.2018	6 022,659	11 550,000	17 572,659
203 977,341	30.04.2018	6 353,906	11 218,754	17 572,659
197 623,435	31.07.2018	6 703,370	10 869,289	17 572,659
190 920,065	31.10.2018	7 072,056	10 500,604	17 572,659
183 848,009	31.01.2019	7 461,019	10 111,640	17 572,659
176 386,990	30.04.2019	7 871,375	9 701,284	17 572,659
168 515,615	31.07.2019	8 304,300	9 268,359	17 572,659
160 211,315	31.10.2019	8 761,037	8 811,622	17 572,659
151 450,278	31.01.2020	9 242,894	8 329,765	17 572,659
142 207,384	30.04.2020	9 751,253	7 821,406	17 572,659
132 456,131	31.07.2020	10 287,572	7 285,087	17 572,659
122 168,559	31.10.2020	10 853,389	6 719,271	17 572,659
111 315,170	31.01.2021	11 450,325	6 122,334	17 572,659
99 864,845	30.04.2021	12 080,093	5 492,566	17 572,659
87 784,752	31.07.2021	12 744,498	4 828,161	17 572,659
75 040,254	31.10.2021	13 445,445	4 127,214	17 572,659
61 594,809	31.01.2022	14 184,945	3 387,714	17 572,659
47 409,864	30.04.2022	14 965,117	2 607,543	17 572,659
32 444,747	31.07.2022	15 788,198	1 784,461	17 572,659
16 656,549	31.10.2022	16 656,549	916,110	17 572,659
x	Жами	210 000,000	141 453,186	351 453,186



ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ - ТОПШИРИШ

ДАЪВО АТНОМАСИ № 486/134

Тошкент

20 17 йил « 01 » ноябрь

Атноманинг тузилган жойи: Тошкент

Ушбу техника куйидаги таркибда:

Тошкент Ҳ.Х.Тажикова (сотувчи ном) вакили М.Ҳайитов (сотувчи вакилининг мансаби, Ф.И.Ш.)

«Лизинг» акциядорлик жамъияти Наманган вилояти филиали вакили

Тошкент (лизинг берувчи вакилининг мансаби, Ф.И.Ш.)

Наманган (Республикаси), Наманган тумани,

Тошкент вакили Тошкент (лизинг олувчи вакилининг мансаби, Ф.И.Ш.)

Ушбу техникадагиларни тасдиқлаймиз:

СОТУВЧИ ва ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ орасида 2017 йил «10» да тузилган шартномага мувофиқ, СОТУВЧИ 1 (бир) донга мувофиқ рақамли тракторни (рама) № 5000146 ва двигатель № 155834 рақамли тракторни талабларига мувофиқ бўлганини ҳамда Гарантия паспорти билан таъминлангани ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг 2017 йил «17» да берилган 1285 - сонли шартномаси асосида ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг вакилига топширди.

Ушбу навбатида ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг вакили ушбу техникани ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг иштирокида қабул қилиб олди. Ушбу вақтнинг ўзида 2017 йил «22» да берилган шартномага ва 2017 йил «16» да берилган шартномага мувофиқ, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг вакили ушбу техникани қабул қилиб олди.

Ушбу техниканинг қиймати 2800000000 (ичкуну соғинак ширин) сўми ташкил этади.

Техникани топшириш ва қабул қилиш вақтида аниқланган дефектлар ва уларнинг характери:

Дефектлар йўқ

Ушбу техниканинг сифатини белгилаганлиги ва меъёрда ишлаши бўйича шартномада белгилаб берилган шартномаси:

Соғинак

Ушбу техника аъзолари ушбу шартномада баён этилган маълумотлар ҳақиқий бўлмаган ҳолда амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар эканликларини эътироф қилди.

Компания аъзоларининг имзолари:

СОТУВЧИ ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ

ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ

«Узтаъриф» акциядорлик жамъияти Наманган вилояти филиали Наманган шаҳри 1-йўл шох кўчаси. тел: 91-120-12-30

Наманган дав лат ўрмон хўжалиги Наманган шаҳар, М.Таробий кўчаси, 21а-уй Тел: 91-344-33-67 ХККМ МБ Тошкент филиали МФО:00014 X/P: 4001108601440017950100142001

АТБ «Узтаъриф»нинг Тошкент шаҳри 1-йўл шох кўчаси М.Ҳайитов 64910 М.Ҳайитов

СТИР:200 048 875 ХХТХТ(ОКОНХ) 31110 (ИМЗО) М.Ҳайитов

Ушбу техникага бериш ва мониторинг департаментида рақам билан рўйхатга олинди.

